
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА КЕКСАЛИК ГАШТИНИ СУРАЁТГАН НУРОНИЙЛАР ЙЎҚЛАНИБ, ХОЛИДАН ХАБАР ОЛИНМОҚДА

Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилатлардан. Мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини янада яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳар Шакарқишлоқ МФЙда истиқомат қилаётган меҳнат фахрийси Омонжон ота Ҳошимов хонадонида бўлиб, отахонни юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган Мустақиллигимизнинг шонли 33 йиллик байрами билан самимий табриклади.

Вилоят раҳбари билан суҳбат чоғида ҳаёт тажрибалари ҳақида сўзлаб берган Омонжон ота, ўтган даврларнинг қийинчиликлари, бугунги тинч-осойишта кунларга осонлик билан эришилмаганлиги, бу кунларни қадрига етиш, шукроналик ҳиссини туйиш кераклигини таъкидлади.

Отахон бугун ҳурмат ва меҳр оғушида яшаётганлиги, соғлиғи яхши, ҳаётдан рози эканлигини айтиб, доимий эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорчилик билдирди, хайрли дуолар қилинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-31 11:23:27